Давлат архиви
48
24 ФЕВ. 1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 46 (6 835) 1989 йил 24 февраль, жума Баҳоси 3 тийин

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Тошкентда регионал илмий-амалий конференция ўтмоқда

23 февраль куни Тошкентда «Ошкоралик ва ижтимоий турмушни демократиялаш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзуида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг регионал илмий-амалий конференцияси иш бошлади.

Конференцияга олимлар, ўқитувчи, совет, касаба союзи, комсомол ходимлари, бир неча партия комитетлари, халқ хўжалиги министрликлари, идоралари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, журналистлар таклиф этилган. Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг сўз ходимлари, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон делегациялари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг, СССР Фанлар академияси бир қанча институтларининг вакиллари иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов конференцияни кириш нутқи билан очди.

Конференциямиз, деди у, КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масаласини муҳокама қилишга бағишланадиган Пленуми арафасида чақирилди. Жуманимиз ана шу соҳани жараёнларга батамом тўндир, бу жараёнлар эса халқнат коллективларида, коммунистларнинг йиғилишида, оммавий ахборот воситаларида фаоллик ва жонкуярлик билан муҳокама қилинмоқда.

Бизнинг бу масалада таянадиган позицияларимиз мустаҳкамдир. Шунинг учун ҳам мустаҳкамки, социализм миллий белгига қараб ҳар қандай зулм ўтказиш ва камситишнинг, ҳар қандай тенгсизликнинг чуқур сабабларини бартараф этади, пайдо бўлаётган муаммоларни соғлом асосда ҳал этиш имкониятини беради, буни ўтган йиллар тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди.

Аммо биз ижтимоий тузумимизнинг чинакам тарихий зафарлари ҳақида гапирар эканмиз, биз уларни имконият чегараси, деб эмас, балки яна олға қараб боришимиздаги бир босқич, деб билмоқдамиз.

Биз миллий масалани ўтмишдан бизга қай тарзда мерос бўлиб қолган бўлса, ўша тарзда ҳал этиш ҳақида ўз вақтида жуда кўп ва умуман тўғри гапирдик. Амалда эса, бу соҳа ҳалол ва амалий таҳлил учун ёпиқ бўлган соҳага айланиб қолди. Биз бу масалага етарлича эътибор бермай, унутиб қўйган ҳолларимизда эса, у ўзини сезинларли тарзда эслатиб турди.

Ошкоралик ва демократиялаш неча йиллардан бери етилиб келган кайфиятлар намоён бўлишининг сабаби эмас, балки шартидир. Шу боисдан ҳам миллатлараро муносабатларда маълум чигалликларга имконият яратган жаъми омилларни чуқур идрок этиш, ҳақиқий муаммоларни тўқиб чиқарилган муаммолардан моҳирлик билан фарқлай билиш зарур бўлади. Бу ўринда шуни эътиборда тутиш жуда муҳимки, миллий муаммолар соф ҳолда юзага келмайди, бу муаммолар иқтисодий, социал, маънавий ва бошқа муаммолар билан чамбарчас боғланиб кетган.

В. И. Ленин қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай фисқу фасод хавфи йўқолади, шунда ишонч, айниқса, турли тилларда сўзловчи ишчи ва деҳқонларда шундай ишонч туғдирадики, бунингсиз халқлар орасида тинч муносабатлар бўлиши ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқларни бир қадар бўлса-да мувaффақият билан ривожлантириш ҳам асло мумкин эмас».

Конференциядаги бўлажак суҳбат муаммоларни яна ҳам чуқурроқ таҳлил этишга, уларни демократия негизида ҳал этишнинг йўлларини коллектив бўлиб қидиришга, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга қаратилган таклифларни илгари суришга ёрдам беради, деб ишонч изҳор этилди.

«КПСС XXVII съезди ҳамда демократиялаш, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш» мавзуида доклад қилиш учун сўз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишоновга берилади (доклад газетанинг бугунги сонида эълон қилинмоқда).

«СССРда миллий муносабатларнинг ривожланиши: тенденциялар, тажриба, муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида КПСС Марказий Комитети Давлат ҳуқуқ бўлими миллатлараро муносабатлар кичик бўлими мудирининг ўринбосари А. А. Сазонов доклад қилди. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари У. Ж. Жонибеков ўзининг қўшимча докладида меҳнаткашлар оммасини интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга партия раҳбарлиги ҳақида гапирди.

Социал адолат — Тожикистонда яшаётган барча миллатлар маънавий эҳтиёжларини қондириш сиёсатининг негизидир. Ана шу мавзу Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Д. Дадабоев қўшимча докладининг мавзуи бўлди.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Х. Д. Дурдиевнинг қўшимча докладида республика аҳолиси барча миллий группаларининг социал-маданий эҳтиёжларини қондириш юзасидан партия ва совет органлари фаолияти ёритилди.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов «Мамлакат турли регионлари социал-иқтисодий тараққиётлари даражаларини тенглаштириш — кўпмиллатли Совет давлати бирлигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартидир» мавзуида қўшимча доклад қилди.

СССР Фанлар академияси тарих институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Л. У. Юсуповнинг докладида капиталистик босқични четлаб, феодализмдан социализмга ўтган регионларда миллий муносабатлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапирилди.

Киргизистон Компартияси Ўш область комитетининг секретари С. Б. Баҳановнинг қўшимча докладида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг миллий жиҳатлари ёритилди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг катта илмий ходими, фалсафа фанлари доктори А. И. Доронченков миллатлараро муносабатларни, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясини бошқаришнинг илмий ва методологик асослари тўғрисида гапирди.

Киргизистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси Б. Рыспаев «Тенглик ва ҳамкорлик — дўстлик ва қардошлик негизидир» мавзуида доклад қилди.

24 февраль куни конференция ўз ишини давом эттиради, секцияларнинг мажлислари бўлади.

(ЎзТАГ).

ҚПСС XXVII СЪЕЗДИ ҲАМДА ДЕМОКРАТИЯЛАШ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАҚИДА Р. Н. НИШОНОВ доклади

Ўртоқлар!

Аввало, сизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан қизғин қутлашга ижозат бергайсиз.

Конференциямиз партия халқ ҳаётидаги ниҳоятда муҳим ва мураккаб, комплекс соҳасидир. Ҳозир мамлакатда жараёнларнинг ҳар томонлама ривожланиши ўзгартириш ва қайта қуришдан ўз миқёсларига эга жуда катта иш авж олдирмоқда. Қайта қуришнинг новаторлик ғоялари ва принциплари таъсирида янгиланаётган кучлар жипслашмоқда, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг куч-ғайрати ва барқ урмоқда.

Демократиялаш ва ошкоралик ғоявий-сиёсий ва ижтимоий вазиятни тубдан ўзгармоқда. Ҳақиқатнинг қатъий топиши маънавий муҳитни яхшилашмоқда, актив фаолиятни рағбатлантирмоқда. Иқтисодиётни соғломлаштириш жараёни, уни одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга буриш бошланди. Маънавий ҳаёт тараққиётнинг қудратли омилига айланмоқда.

Қайта қуриш — кўп қирали, узоқ муддат давом этадиган ва зиддиятли жараён эканлиги ҳам равшан бўлиб қолди. Миллатлараро муносабатлар партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ҳамиша диққат-эътиборини талаб этадиган ижтимоий ҳаётнинг жуда мураккаб, комплекс соҳасидир.

Партиямиз таркиб топтан вазиятга ҳушёрлик билан баҳо бермоқда, КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган, барча халқларнинг манфаатларини қондиришни мамлакатнинг умумий манфаатлари ва эҳтиёжлари билан пайванд этадиган сиёсий йўл негизида миллий сиёсатнинг ленинча принципларини собитқадамлик билан қарор топтирмоқда ва ижодий ривожлантирмоқда. «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида» махсус резолюция қабул қилган XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳозирги даврдаги миллий сиёсатни назарий ва амалий асослаб, жуда катта қадам ташлади.

Совет давлати қарор топиши ва тараққиётининг бутун тарихи миллий сиёсат, мамлакатимиздаги барча миллатлар ва халқлар интернационал жипслашувининг пойдеворини қўйган В. И. Ленининг доҳиёна башоратини яққол тасдиқлаб турибди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин миллатлар ва элатларнинг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлиги ўрта Осиё халқларининг социализмга тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб ўтишида жуда катта роль ўйнади. Партия миллий зулмни парчалаб ташлаш, миллатлараро нифоққа барҳам бериш, миллий маданиятларни тиклаш ва ривожлантиришда жуда катта иш қилди. Мамлакатда совет халқлари бирлигининг моддий негизи бўлган яхлит халқ хўжалиги комплекси таркиб топди. Қатъият билан қилинган ғоявий-тарбиявий иш натижасида миллион-миллион кишилар онгида интернационализм ғоялари мустаҳкам қарор топди, бу ғоялар оғир синовлардан ўтди ва давр суронларига бардош берди.


Булар, шубҳасиз, бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Аммо шунга қарамасдан ҳеч ким мамлакатимизда миллий масала кун тартибидан тўла ва узил-кесил олиб ташланди, деб таъкидлашга журъат қилмаса керак. Бир давлатда жуда кўп миллатлар ва элатлар яшаб ҳамкорлик қилаётгани фактининг ўзи ноёб муаммолар ва масалаларни келтириб чиқаради. Ўтмишда миллий муносабатларда йўл қўйилган бузилишларни ўнглаб олиш учун кўп иш қилишга тўғри келади.

Миллатлараро муносабатлардек нозик ва қалтис масаланинг ўзига хос ҳам умумиттифоқ, ҳам регионал, ҳам маҳаллий жиҳатлари борлиги равшандир. Бошқалар билан бир қаторда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари мамлакатнинг иқтисодий-социал ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб турибдилар, ягона халқ хўжалиги комплексининг таркибий қисми бўлган бу республикалар умумдавлат вазифаларини ҳал этишга ўз ҳиссаларини яна ҳам кўпайтириш учун куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Бу ҳиссани қай йўсинда кўпайтириш, партиямизнинг «кучли марказ ва кучли республика» деган шиорини қай таҳлитда амалга ошириш керак? Региондаги ҳар бир республикага хос бўлган иқтисодий, социал, экологик, демографик муаммоларни ва бошқа муаммоларни қандай йўл билан ҳал этиш керак? Насл-насабимиз, анъаналаримиз ва маросимларимиз, кўп асрли турмуш тарзимиз муштарак экан, биз биргаликда маданиятларимизнинг бундан буёнги равнақи ва бир-бирини бойитиши истиқболлари ҳақида, ушбу маданиятларимизнинг СССРдаги барча халқлар жуда бой маънавий потенциали билан узвий ҳамжиҳатлиги тўғрисида ўйлашимиз керак.

Биргаликда муҳокама қилиш зарурати етилган бошқа анчагина масалалар ҳам бор. Бу миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга, дўстлигимиз ва қардошлигимизни мустаҳкамлашга, ҳамжиҳатликни янада яхшилашга, ягона кўп миллатли Совет давлати доирасида жипслашиш ишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

(Давоми 2, 3-бетларда).



Дўст билан обод уйинг


ЖАҲОННИНГ ШОДЛИГИ ЙИҒИЛСА БУТУН, ДЎСТЛАР ДИЙДОРИДАН БЎЛОЛМАС УСТУН.

Қардош қозоқ ўлкасини!
Сени қандай таърифласам экан?
Чўллар бургути десаммикин? Чиндан ҳам миллионлаб гектар ерларда буғдой ундириб, эл дастурхонини нон билан тўлдиришинг бургутона иш эмасми?
Ёки Уралдан Хитойга қадар чўзилган бепоён яйловлар соҳиби эканлигингни айтсаммикан?
Арис дарёсининг зилол сувлари, Бетпақ даланинг бир томчи ёмғирга зорлигини айтсаммикан?
Олмаота шаҳрининг фусункор жамолидан сўйласаммикан? Ёки Медеодек ажойиботларингни куйласаммикан?
Бир-бирига елкадош бўлиб турган Толдиқўрғон, Чимкент, Жезқазғон, Қарағанда, Целиноград, Оқмўла, Оқтўба, Семипалатинск, Жамбул каби шаҳарларинг тавсифини қилсаммикан?
Йўқ, мен Қозоғистон аталмиш бу гул макон диёрининг бахт-иқболини кўнгилдагидек қилиб мадҳ этолмасман. Бу ишларни Сирбой Мавленов, Деҳқон Абилев, Абу Сарсенбоев, Мухтор Шаханов, Олжас Сулаймонов, Туманбой Молдағалиев сингари ширинзабон оқинларга қўяйлиқда, дил сўзларимни изҳор қилиб бир неча оғиз гап айтай.
«Ўзбек ўзимнинг оғам», дейди қозоқ халқи. Бу оға-ниниликнинг илдизи минг йилларга бориб тақалади. Хассос ёзувчимиз Саид Аҳмад айтганидек, «Бир жойнинг ўтини ўттаб, сувини сувдаб» яшаётган қон-қардошларимиз. Қуда-қудағаймиз. Кулсак кулгумиз, йиғласак қайғумиз бир бизнинг!
Бирор маслаҳат зарур бўлса отга миниб «Оғам, қайдасан» деб йўлга тушасан. Ўзбек ҳам бир сиқим ош устида яхши сўзлар билан ўз ниниси эслайди. Бахт-иқболга тўлганингни, мағрур кулганингни кўриб дўстларнинг дили яйрайди, дили сайрайди.
Қардош қозоқ дўстим!
Сенинг таърифингни қанча битган билан тугатиб бўлмас. Фақат ҳамма жойда «Қалби юртидай кенг оғам» деб фахрланаман. «Бепоён юртинг бағрида ҳамиша омон бўл қардошим», деб яхши ният қиламан.
Қўли қўлимда, йўли йўлимдек равон қардошим, ҳамишалик бахтимга омон бўл!

Қозоғистон ССРга, ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларга бағишланган материалларни газетанинг тўртинчи саҳифасида ўқийсиз.

✦ «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси Владимир Васильевич ЕПШИН.

Замондошимиз



Т. Каримов фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида

Шаҳар партия комитети бюроси «Тошкент шаҳрида уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлашда социал адолат принципларининг бузилиш фактлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг 1987 йил 8 декабрь қарори қандай бажарилаётганлиги масаласини кўриб чиқди.

Тошкент шаҳар партия, совет, хўжалик органлари мазкур қарорни бажариш борасида муайян чора-тадбирларни амалга оширгани-ликлари қайд этилди. Ўтган йил мобайнида ишчи группаларининг кучи билан 8108 уй текширилиб, 5315 тартиб бузилишлари очиб ташланди. Эгалари кўчиб кетганлиги муносабати билан 1828 квартира бўшагани, аммо уларга ҳеч ким кўчиб кирмагани, 668 квартира ўзбошимчалик билан эгалланган, 244 квартира бўш ётгани, 852 квартирадан бошқа мақсадларда фойдаланилаётгани аниқланди, шунингдек паспорт режимининг 1968 бузилиш ҳоллари очиб ташланди. Натижада 3 минг оила ана шу квартираларда уй-жой билан таъминланди, шу жумладан 288 квартира Улуғ Ватан уруши ветеранлари ва қатнашчиларига, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига, интернационалчи-жангчиларга ва бошқа тоифадаги имтиёзга эга бўлган оилаларга ажратилди.

Аммо район партия комитетлари, шаҳар ижроия комитети, район ижроия комитетлари олиб бораётган ишларда изчиллик, қатъият етишмайди, юқоридаги қарорнинг бажарилиши мунтазам кўриб чиқилмайди, айрим район партия комитетлари уни 1988 йил январь ойида бюрода муҳокама қилиш билан чекланиб, йил мобайнида мазкур муаммога бирор марта ҳам қайтишмаган. Киров, Куйбишев, Сергели район ижроия комитетларида эса бу масала мутлақо кўриб чиқилмаган.

Шаҳар партия комитети бюросида район партия комитетлари секретарлари, район ижроия комитетлари раисларининг аҳволни ўнглаш ҳақида берган ваъдалари ваъдалигича қолди. Аҳволни ўнглаш Октябрь районида қийинчилик билан амалга ошмоқда. Райондаги бўшаган 157 квартирадан 21 тасига оилалар кўчириб киритилмаган, ўзбошимчалик билан эгалланган 18 квартирага доир масала ҳал этилмаган. Ўзбошимчалик билан эгалланган айрим квартиралар масаласи 1984 йилдан бери пайсалга солиб келинмоқда. Фрунзе, Собир Раҳимов ва Куйбишев районларида ҳам аҳвол шундай. Октябрь ва Фрунзе район ижроия комитетлари шаҳар халқ контроли комитетининг расмий ҳужжатига парво ҳам қилишгани йўқ. Шаҳар партия комитети қарори талаб қилганидек, бўшаётган турар жой фондини ҳисобга олиш ва тақсимлаш устидан қаттиқ назорат амалга оширилмади. Агар 1988 йилнинг биринчи ва иккинчи кварталларида район ижроия комитетларининг раислари бўш ётган квартираларга оилаларни кўчириш масалалари билан шахсан шуғулланишган бўлса, йил охирига келиб, бу масала назоратдан четда қолиб кетди. Бунинг оқибатида 117 квартира бўш ётибди.

Бошқа мақсадларда фойдаланилаётган турар жой майдонларини бўшатиш бўйича топшириқ қониқарсиз бажарилмоқда. Бу айниқса Акмал Икромов, Октябрь, Киров ва Чилонзор район ижроия комитетларига тааллуқлидир. Ишларнинг аҳволи баъзан мушкуллашиб кетаяпти. Масалан, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «2-Алгоритм» массивида биноларнинг биринчи қаватидаги квартираларни почта, омонат кассаси, болалар поликлиникаси, нон магазини ва «Союзпечать» ихтиёрига ажратиш ҳақида қарор қабул қилишга мажбур бўлмоқда. Сабаби, массив қурилиши комплекс равишда олиб борилаётгани йўқ.

Хизмат квартираларидан фойдаланиш масаласи ҳам ҳал этилмаган. Ушбу муаммони Куйбишев, Акмал Икромов, Сергели, Ленин районлари ижроия комитетлари ҳал этишга қодир бўлмадилар. Бўшаган квартираларни ремонт қилиш масалаларини ижроия комитетлари ойлаб ҳал этишмайди.

Сўнгги вақтларда турар жойларда ҳам, шаҳар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ҳам уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож граждан-ларни ҳисобга олишнинг аҳволи устидан назорат бўшашиб кетганлиги қайд этилди. Ижроия комитетларга навбатчиларнинг кам-кўстлар билан тузилган рўйхатларини тақдим этиш давом этмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари уй-жой ҳақидаги қонунларнинг бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйишда давом этмоқда. Квартираларни бўшатиш ҳақида район халқ судларининг қабул қилган қарорлари кўп вақтлаб бажарилмайди. Собир Раҳимов, Чилонзор, Октябрь районларида ана шундай. Шаҳар кооператив хўжалигининг уй-жой қурилиш кооперативларида рўйхатга олиш, квартираларни тақсимлаш ва ажратиш чоғида уй-жой ҳақидаги қонунларнинг бузилишига барҳам берилмаган. Ҳатто Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети кооператив хўжалиги бошқармасининг ўзи очиб ташлаган тартиб бузилишлари юзасидан ҳам районларда оператив чора-тадбирлар кўрилмаяпти, тартиб бузилишлари давом этмоқда. Масалан, «Ленинский» уй-жой қурилиш кооперативи навбатдагилар ва пайчиларнинг сайлаб текширилган 300 шахсий делосидан маълум бўлишича, 118 киши уй-жой қурилиш кооперативига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаса ҳам қабул қилинган, уй-жой ҳақидаги қонунларнинг мавжуд бузилишларига қарамай уларнинг ҳаммаси квартира олишган.

Буларнинг ҳаммаси ишда талабчанлик етишмаётганлигидан, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мансабдор шахсларининг масъулият ҳисси ўтмаслашиб қолганлигидан, уларнинг район ижроия комитетлари раисларидан талабини бўшаштириб юборганликларидан, аниқ мақсадга қаратилган ташкилотчилик ишлари ва ижро устидан назорат кам самара бераётганлигидан далолатдир.

Шаҳар партия комитети бюроси шаҳар партия комитетининг 1987 йил 8 декабрь қарорини бажариш борасида шаҳар партия, совет ва хўжалик органлари олиб бораётган ишни етарли эмас, деб эътироф этди. Бюро район партия комитетларига, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг, район ижроия комитетларининг коммунист раҳбарларига рўйхатга олиш ва уй-жойларни тақсимлашда социал адолат принципига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтиришни таклиф қилди.

Шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Х. К. Камоловга, шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси В. А. Шалуповга 1989 йил 1 квартал якунлари бўйича ушбу масалани шаҳар партия комитети бюроси кўриб чиқиши учун киритиш топширилди.

Бюро шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари социал адолат принципларини қарор топтиришда, уй-жой ҳақидаги қонунларнинг бузилиш фактларини кўриб чиқиш ва баҳолашда сансалорликка йўл қўйишда давом этаётганликларини қайд этиб, мавжуд камчиликлар бартараф этилиши учун уларнинг раҳбарлари шахсан масъул эканликлари ҳақида огоҳлантирди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҲАМДА ДЕМОКРАТИЯЛАШ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТНИ ҚАЙ
ҚУРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИР

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексида Ўзбекистоннинг тутган роли ва ўрни

Ўртоқлар! Миллатлараро муносабатларнинг равнақи, истиқболлари ягона Иттифоқ давлатимиздаги янгиланишнинг барча жараёнлари билан чамбарчас боғлангандир. Партия ленинча миллий сиёсатнинг изчиллик билан ўтказилиши, халқлар дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш социализмни такомиллаштиришнинг таркибий қисми, кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг зарур шарти эканлигига суянади.

КПСС миллий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб берар экан, мамлакатдаги барча регионларнинг экономикаси яна ҳам самаралироқ ривожланишига, шунга мувофиқ барча миллатлар ва элатлар тараққиётининг социал-маданий шароитлари яхшиланишига, ҳар бир республиканинг ягона халқ хўжалиги комплекси равнақига қўшадиган ҳиссаси ортиб боришига, бу уларнинг ўсиб бораётган иқтисодий ва маънавий потенциалига мувофиқ бўлишига эришишга интилмоқда. «Бизнинг мамлакатимиздек кўп миллатли мамлакатда, — деб таъкидлади М. С. Горбачев Украинада бўлган чоғида, — барча республикаларнинг манфаатларини ҳисобга олиш керак, бу жуда катта, жуда масъулиятли ишдир».

Ана шу муаммонинг айрим жиҳатлари тўғрисида тўхтаб ўтишга ижозат бергайсиз. СССР халқларининг қардошлик оиласида Ўзбекистон ривожланган иқтисодий потенциалга эга бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республикамиз Иттифоқда бешинчи ўринни эгаллаб турибди, ҳаммабоп товарлардан тортиб, самолётлар ва тракторларгача, жуда турли-туман маҳсулот тайёрламоқда. Машинасозликнинг 40 га яқин тармоғи бор, бу тармоқларда 100 тадан кўпроқ йирик корхоналар ишлаб турибди.

Республика агросаноат комплексига 2 мингга яқин колхоз ва совхоз, юзлаб қайта ишлаш корхоналари киради. Умумиттифоқ ишлаб чиқаришида пахтанинг қарийб учдан икки қисми, пилланинг 60 процентдан кўпроғи, қоракўлнинг учдан биридан зиёди Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Мева, узум, сабзавот ва қовун-тарвуз етиштириш умумиттифоқ аҳамиятига эгадир.

Аммо сўнгги йилларда, айниқса, турғунлик даврида ана шу потенциалдан ниҳоятда самарасиз фойдаланилди. Ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликларда фонд самараси учдан бирга камайди, миллий даромад ҳосил қилишда Ўзбекистон ССР улуши аслида кўпаймади.

Содир бўлган аҳволнинг сабаблари нимада? Бунинг илдизлари чуқурдир. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидланганидек, кўп миллатли Совет давлати қарор топишининг дастлабки босқичига хос бўлган жўшқинлик ленинча миллий сиёсат принципларидан чекиниш, шахсга сиғиниш даврида қонунчиликнинг бузилиши, турғунлик мафкураси ва психологияси сабабли анча путурдан кетди ва барбод этилди.

Узоқ вақт мобайнида миллий муносабатлар соҳасида йўл қўйилган хатолар ҳақида гапириш жоиз эмас эди. Демократик централизм ва социалистик федерализм, централизм ва демократизм принципларининг нисбатлари, муаммолари ҳамиша ҳам оптимал ҳал этилмаганлиги социалистик миллатлар ва элатлар тараққиётига халал берди. Айрим республикалар ва автоном тузилмаларнинг ҳам, миллий группаларнинг ҳам социал-иқтисодий ва маданий тараққиёти эҳтиёжлари етарлича ҳисобга олинмади.

Булар умумий сабаблардир. Аммо ўзимизга тааллуқли сабаблар ҳам бўлди. Сўнгги ўн йилларда бутун мамлакатга хос бўлган турғунлик ҳодисалари республикада, айниқса, ўткир, бадбашара шаклда кўринди. Жуда катта ваколатларга эга бўлган ходимларнинг бир қисми айниб, ахлоқан юзтубан кетганлигини сиз биласиз. Бу республикага жуда катта зарар етказди. Рашидов ва рашидовчилар оғизда интернационализм ва тенглик ҳақида гапириб, амалда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчиликка, ўрта аср ҳоқонларининг удумлари ва маросимларига йўл очдилар. Реал жараёнларнинг таҳлили ўрнини дабдабали тадбирлар ва халқлар дўстлиги шарафига қадаҳ кўтаришлар эгаллади.

Оқибатда халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари сусайди, замонавий машиналар ва ускуналар ишлаб чиқариш соҳасидаги қолоқликлар кучайди, анчагина иқтисодий зиддиятлар йиғилиб қолди. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ўзини кўрсатмоқда. Оғир саноатда меҳнат қилаётган туб миллатга мансуб ишчилар салмоғи камлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Шу ва шунга ўхшаш чалкашликлар ва номутаносибликлар социал муаммоларнинг ўткирлашувига таъсир қилмай қолмади. Ўзбекистонда яшаётган айрим миллий группалар — тожиклар, корейслар, уйғурлар, қрим татарлар ва бошқаларнинг маънавий эҳтиёжлари ҳисобга олинмади. Ана шундай нонормал аҳвол миллий туйғуларга таъсир этди, жамоатчилик норозилигини туғдирди, миллатлараро муносабатларни кескинлаштирди.

Ўз-ўзидан равшанки, жамиятимизда қарор топган ўз тарихига баҳо беришга талабчанлик билан танқидий ёндашиш Совет ҳокимияти йилларида қилинган зўр тарихий аҳамиятга молик ишларни асло камситмайди. Қайта қуриш миллатлараро соҳадаги салбий жиҳатларни равшанлаштирибгина қолмай, айни вақтда уларни демократия ва ошкоралик усуллари билан бартараф этиш учун шароит ҳам яратди.

Биз партия XXVII съездида, Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленумида, партиянинг бошқа ҳужжатларида шанимизга қилинган ҳаққоний танқиддан зарур хулосалар чиқариб олдик. Ўзбекистон партия ташкилоти, меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг, барча қардош республикаларнинг ёрдами билан маънавий-сиёсий вазиятни соғломлаштириш йўлида аниқ мақсадни кўзлаб қатъият билан иш олиб бормоқдалар. Партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва социал қурилишнинг барча соҳаларида кадрларнинг масъулиятини ошириш вазифалари биз учун, айниқса, муҳим бўлиб келди ва ҳозир ҳам муҳимдир. Биз меҳнат коллективларининг ташаббуси ва мададига таяниб, узоқ вақтдан буён Ўзбекистон коммунистлари ва меҳнатчиларинигина эмас, бутун партияни, бутун совет халқини ҳам ташвишга солиб келаётган муаммоларни ҳал этяпмиз.

Кейинги вақтларда КПСС Марказий Комитети бизнинг республикамиз юзасидан бир неча жуда муҳим ҳужжатларни, шу жумладан, Тошкент область партия ташкилотида партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан, пахтачиликдаги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги жиддий камчиликларни тугатиш, экологик вазиятни яхшилаш юзасидан қарорлар қабул қилди. Республикага ўз ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишда жуда катта ёрдам берилмоқда.

Кадрлар корпусини порахўрликдан, ҳаддан ошишдан, юртдошлик ва ошна-оғайнигарчиликдан поклаш тадбирлари амалга оширилди. Талон-торож қилишларга, порахўрликка, қўшиб ёзишларга қарши шафқатсиз кураш олиб борилмоқда. Идеология ишининг, интернационал тарбиянинг форма ва методлари янгиланмоқда.

Ҳўжалик механизми тубдан ўзгара бошлади, ишлаб чиқаришда демократиялаш чуқурлаштирилмоқда, халқ депутатлари Советларининг иқтисодий роли ошмоқда. Натижада баъзи силжишлар бошланди. Миллий даромад 1987 йилдаги 0,8 процент ўрнига 1988 йилда 5,1 процент, саноат маҳсулоти 3,3 процент кўпайди. Уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари, медицина муассасалари қуриш миқёслари ошди.

Меҳнат коллективлари бутун мамлакатнинг ялпи бахтсаодати йўлида ишлаш — интернационализмнинг энг яхши ишонаси эканини англаб, шартномада белгиланган маҳсулотларни етказиб бериш интизомига кўпроқ эътиборни қарата бошладилар. Бизда иттифоқдош республикаларнинг буюртмалари алоҳида назорат остига олинган, шу туфайли хўжалик шартномаларининг бажарилишини яхшилашга эришилди.

1988 йилда республиканинг аграр секторида ҳам муайян силжишлар рўй берди. Бу — аввало, бошқа тармоқлар каби пахтачилик ҳам қўшиб ёзишлардан, талон-торожлардан ва бошқа салбий ҳодисалардан асосан тозаланганлигининг натижасидир. Пахта тайёрлаш ҳажмларини реал имкониятларга ва замонавий агротехникага мувофиқ ҳолга келтириш юзасидан КПСС Марказий Комитети билан мамлакат ҳукумати кўрган чора-тадбирлар жуда катта роль ўйнади. Республика партия ташкилотининг уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб олиб борган ишлари, меҳнатни ташкил қилишнинг пудрат усулларига ўтилиши, интенсив технологиялар жорий этилиши, терим конвейери пухта йўлга қўйилиши; техникадан омилкорлик билан фойдаланиши муайян даражада ўз таъсирини ўтказди. Мана шуларнинг ҳаммаси мўл ҳосил етиштириш, уни зўриқмай энг яхши муддатларда териб олишга эришиш, асосан биринчи ва иккинчи навлардан иборат бўлган 5 миллион 360 минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрлаш имконини берди. Ҳисоб-китобларга қараганда, шунча миқдордаги хом ашёдан камида 1 миллион 700 минг тонна пахта толаси олиш мумкин. Ҳолбуки, рекордларга муккасидан кетган рашидовчилик даврида шунча пахтадан 1 миллион 600 минг тонна ва ундан ҳам камроқ тола олинар эди.

Дон, картошка, сабзавот, полиз экинлари, мева ва резавор мева, гўшт, сут ва тухум етиштириш, Умумиттифоқ фондига сабзавот, мева ва узум етказиб бериш ҳажмлари ҳам ошди. Умуман, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти салкам 800 миллион сўмлик миқдорида кўпайди.

Лекин, барибир, халқ хўжалиги ҳали ҳам ўтган йилларгаи бузғунчиликлар таъсиридан халос бўла олмаяпти. Совет ҳокимияти йилларидаги катта тараққиётга қарамай, Ўзбекистон аҳоли жон бошига миллий даромад ҳосил қилиш, меҳнат унумдорлиги, корхоналарнинг техникавий даражаси ва бошқа кўрсаткичлар жиҳатидан бошқа бир қанча республикалардан орқада қолмоқда.

Маҳкамачилик манфаатларининг зўри билан халқ хўжалиги структурасида жиддий қинғайишлар содир бўлди. Ялпи пахта ҳосилини кўпайтириш пайига тушилганлиги хўжалик юритишнинг илмий асосларини инкор этишга ва ўйламай-нетмай химиялаштираверишга олиб келди. Бу ҳол ернинг тинкасини қуритибгина қолмай, пахтачиликнинг ўзини ҳам мушкул аҳволга солиб қўйди, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни анча ёмонлаштирди, атроф-муҳитга жиддий зарар етказди.

Демография соҳасидаги маълум тенденциялар, республика аҳолисининг меҳнат соҳаларига ва истиқомат районларига тақсимланишидаги бузилишлар, республикалар ўртасида, шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси ўртасида моддий ҳамда социал неъматларни истеъмол қилишдаги номутаносибликлар бугун ҳам мураккаб бўлган вазиятга асоратли таъсир ўтказди.

Ўзбекистон коммунистлари, бутун халқи олдида вазиятни умумий қайта қуриш йўлида қандай қилиб тезроқ ўзгартиришдан иборат бош масала пайдо бўлди. Халқ ҳам бунга интилмоқда. Одамларнинг активлиги, уларнинг очиқ кўнгиллиги, жиддий масалани муҳокама қилиш иштиёқи жуда кучли таассурот қолдирди, деб таъкидлади М. С. Горбачев ўтган йили Тошкентда сўзлаган нутқида. Биз учун принципиал муҳим хулоса шуки, ҳозир республикадаги кайфиятга қараганда, агар халққа яхши программа таклиф этилса, у катта ишларни қилишга қодир бўлиб қолади.

Республикадаги социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш мақсадида шу бориши йилликнинг қолган йиллари учун ва ўн учинчи беш йиллик даври учун комплекс тадбирларни тайёрлашга хафсала билан киришилди. Бу ишда республиканинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини қуйидаги асосий соҳалар бўйича ҳар томонлама кўпайтиришга муҳим аҳамият берилмоқда.

Кўп меҳнат талаб қиладиган ва юксак даражада тайёр ҳолдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш билан банд бўлган тармоқларни биринчи галда жадал ривожлантириш шу жумлага киради. Келгуси беш йилликда машинасозлик маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб икки баравар кўпайтириш мумкин бўлади. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш муаммосини ҳал қилиш учун кўп куч-ғайрат сарфланиши керак. Бирмунча чиқим қилиниб, бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни 1995 йилгача 7-8 миллиард сўмликка етказиш мумкин.

Мамлакатнинг паҳтага ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш ишимизнинг марказий йўналиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Иттифоқ ва республика органлари пахта тайёрлаш планларини реал имкониятларга аста-секин мувофиқлаштириб олиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. 1983 йилга нисбатан ҳозир план бир миллион тонна миқдорида камайтирилган. Пахтачилик даражасининг сифатини ошириш, пахта монокультурасини тугатиш, алмашлаб экишни ва ерларнинг ҳолатини тубдан яхшилаш Озиқ-овқат программасини ҳал этишга ҳам, экологик вазиятни анча яхшилашга ҳам кўмаклашади.

Қорақалпоғистон АССРнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берила бошлади. КПСС Марказий Комитети Советининг Қорақалпоғистон АССР иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, бу ерда уй-жой ва социал-маиший объектлар қуриш ҳажми ортиб бормоқда.

Бутун экономикани молиявий жиҳатдан соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Паст рентабелли хўжаликларнинг ихтисослашувига аниқлик киритилмоқда, маҳсулот етиштириладиган жойнинг ўзида уни асраш ва қайта ишлаш базаси зўр бериб ривожлантирилмоқда. Банкрот бўлган баъзи совхозлар саноат корхоналарига топширилмоқда, иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликларга қўшиб юборилмоқда.

Биз меҳнатни ташкил этишнинг янги хўжалик ҳисоби усулларига — пудратга, ижарага катта умид боғлаяпмиз, ишлаб чиқариш кооперативларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашяпмиз. Янги хўжалик механизми тўғри қўлланилган тақдирда молиявий кўрсаткичлар яхшиланмоқда. Шу сабабли агар ўтган йили 80 минг гектар ер ижарага берилган бўлса, бу йил 900 минг гектар тошширилди, ҳозир қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадиган 500 та кооператив ишлаб турибди.

Биз идораларнинг ишга нуқул амалиётчилик билан ёндашиб, экологик асоратларини эътиборга олмай хўжалик қарорлари қабул этиб келганликларининг оқибатларини ҳам тугатиш учун кўп иш қилишимиз керак. Бу асоратлар сувнинг етишмай қолаётганида, унинг саноат, қишлоқ хўжалик, транспорт, коммунал-маиший чиқитлар билан булғанишида, атмосферанинг ҳаддан ортиқ ифлосланишида ва мана шуларнинг оқибати сифатида аҳолининг кўплаб касалга чалинишида намоён бўлмоқда. Тупроқ унумдорлиги муттасил пасайиб бормоқда, ерлар сув ва шамол таъсирида нурамоқда, қайтадан шўр босмоқда. Ҳозир КПСС Марказий Комитети билан Иттифоқ ҳукуматининг қарорига биноан, республикада Оролни сақлаб қолиш, Орол атрофидаги эпидемиология ва санитария вазиятини яхшилаш чора-табирлари амалга оширила бошлади.

Мана шу ва бошқа социал-иқтисодий зиддиятларни ҳал этиш, аввало, ҳар бир регионнинг комплекс ривожланиши учун ҳам республика, ҳам Иттифоқ органларининг масъулиятини кучайтириш билан, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик системасини қатъиян парчалаб ташлаш билан, хўжалик механизмини ислоҳ қилиш билан боғлиқдир.

Регионал хўжалик ҳисобига, программа усулида планлаштиришга маҳаллий шароитларни эътиборга олиб, босқичма-босқич ўтиш жуда муҳим омилдир. Бизнинг назаримизда, бу соҳада ҳаддан ошиш ва меъёрдан чиқиб кетишга йўл қўймаслик муҳимдир. Айрим жойларда сезилиб қолган ўзини-ўзи яккалашга интилиш, республикалар ўртасида божхона тўсиқларини вужудга келтириш йўлидаги уринишлар бизнингча асоссиздир. СССРда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг умумхалқ мулклиги негизида яхлит халқ хўжалик комплекси вужудга келтирилган, мамлакатда ягона бозор, ягона молия-кредит системаси барпо этилган бир шароитда республикаларнинг ҳеч қандай иқтисодий мустақиллиги, уларнинг фақат ўзини қондирувчи хўжалиги бўлиши мумкин эмас. Аҳён практикаси ҳам мустақил давлатларнинг иқтисодий интеграцияга интилаётганидан далолат бериб турибди.

Регионларнинг иқтисодий мустақиллигини ошириш, иқтисодий принципларни ва уларнинг ҳаёт фаолияти воситаларини кучайтириш ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишнинг қудратли омиллари, ишга соҳибларча муносабатдан манфаатдорлик вужудга келишига олиб бориши ҳам равшан. Мана шуларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, айни вақтда мамлакатдаги интеграция жараёнларини кучайтиришга, кучларни бирлаштиришга, ихтисослашувни ва меҳнат тақсимотини чуқурлаштиришга интилишга кўмаклашади.

Йиғилиб қолган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун регион республикалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эгадир. Кўпмиллатли бутун мамлакатимиз каби Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳам битта катта ва аҳил оиланинг аъзолари бўлиб яшаб, бир-бирларининг ишлари, режалари ва муаммоларидан хабардор қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб, ўртада турган муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўлларини топишга ёрдам бермоқда. Масалан, ҳозирги вақтда муносиб аниқликни таъминлай олмаётган иқтисодий таҳлил ва нарх белгилаш методологияси масалалари зўр ҳадаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан хилма-хил иш қилаётган бошқа областларнинг тажрибаси диққатга сазовордир.

Бошқа республикаларнинг турмушига қизиқиш ошиб бораётган шароитда бундай алоқалар аҳолини ўз қўшниларининг ишлари, режалари ва муаммоларидан хабардор қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб, ўртада турган муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўлларини топишга ёрдам бермоқда. Масалан, ҳозирги вақтда муносиб аниқликни таъминлай олмаётган иқтисодий таҳлил ва нарх белгилаш методологияси масалалари зўр эътиборни ўзига тортмоқда. Иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий мустақиллиги ва масъулиятини кенгайтириш, миллий, республика ва умумдавлат манфаатларини уйғунлаштириш, республикаларнинг ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиши эҳтимол тутилган варианталари, улар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириб, умумиттифоқ программаларини ҳал этишга қўшиладиган ҳиссани аниқ-равшан белгилаб қўйиш каби муаммоларни ва ҳоказоларни ўрганиш, бизнинг назаримизда, илмий ва амалий жиҳатдан ғоят қизиқарлидир.

Совет федерациясини ва социалистик демократияни янада ривожлантиришнинг баъзи масалалари

Ўртоқлар!

Партия миллий муносабатларни такомиллаштириш билан бирга, халқларнинг кучғайратини тенг ҳуқуқли халқлар кўп миллатли ойласининг революцион ҳоҳиширодаси ва муддаоларини ўзида мужассамлаштирган Совет Социалистик давлатини янада мустаҳкамлашга қаратмоқда. М. С. Горбачев фан ва маданият арбоблари билан учрашувда сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлаган эди: «Ҳозирги Совет Иттифоқи жаҳон ҳамжамиятидаги ноёб ҳодисадир. У мазкур жараён, тўпланиб қолган ва кескинлашган муаммолар нақадар мураккаб ва қийин бўлмасин, миллий масалани ҳал этишда ҳақиқатан ҳам яққол кўриниб турган ва жуда катта ютуқларга эга бўлган давлатдир».

Совет миллий-давлат системасининг самаралилигини мамлакатимиздаги социалистик қурилиш тажрибаси кўрсатди. Бироқ, ҳаёт бир жойда турмайди, қайта қуриш шароитида совет федерациясини янада ривожлантириш, иттифоқ ва автоном республикаларнинг ҳуқуқий ҳолати, республикаларнинг экономика, социал ва маданий ривожланиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳаларидаги мустақиллиги ва масъулиятини кенгайтириш масалалари пайдо бўлмоқда.

КПСС XXVII съезди белгилаган ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси чуқур ишлаб чиққан сиёсий система ислоҳотини изчиллик билан турмушга татбиқ этиш миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ишида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ислоҳот ленинча демократик централизм ва социалистик федерализм принципларини миллий-давлат қурилиши практикасида амалга ошириш учун кенг уфқ очади.

СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни билан СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги СССР Қонуни умумхалқ муҳокамасидан кейин ССР Иттифоқи Олий Советининг сессиясида қабул қилинганлиги сиёсий система ислоҳотининг биринчи босқичидаги муҳим палладир.

Шу Қонунлар асосида авж олиб кетган сайлов кампанияси чинакам демократия ва кенг ошкоралик, омманинг сиёсий ижсалияти, партия билан халқнинг, мамлакатдаги барча миллат ва элат меҳнаткашларининг бирлигини амалда мустаҳкамлаш вазифасида ўтмоқда. Сиёсий тажрибани тўплаш, омма демократик маданиятини ошириш жараёни жадал давом этмоқда. Қайта қуришнинг астойдил тарафдорлари, турли миллат намояндалари СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Олий Советда масалаларни ким ҳал этиши, ҳозирги турмушимизни акс эттирадиган ва қайта қуриш жараёни кучайиб бориши учун шарт-шароит яратадиган янги қонунларни ким қабул қилиши кенг жамоатчилик доиралари учун ғоят муҳимдир.

Сиёсий система ислоҳотининг иккинчи босқичида ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқ доирасини аниқ белгилаб қўйиш, бир қанча бошқарув вазифаларини маҳаллий ҳокимият органларига топшириш ва шу каби масалалар ҳал этилади. Бу масалалар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ва СССР Олий Совети Президиумининг махсус тузилган комиссиясида муҳокама қилинди.

Шу муносабат билан ҳозирги муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаш учун СССРдаги миллий давлат тузилишининг тарихига мурожаат этиш фойдали эканини ҳам, таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу фикримни конкрет мисолларда ойдинлаштириб бермоқчиман.

СССРнинг В. И. Ленин иштирокида ишлаб чиқилган 1924 йилги Конституциясида «Иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқлари тўғрисида» махсус боб бор эди. Бироқ, 1936 йилги Конституцияда ва ҳозир амалда бўлган асосий Қонунда бундай боб йўқ. Табиийки, янги талабларни эътиборга олиб, СССР Конституциясида мазкур бобни қайтадан тиклаш, шу билан бирга унда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари хусусида тегишли моддаларни кўзда тутиш, бизнинг назаримизда мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бошқа бир мисол. Республикамиз территориясида 20-йилларда айрим миллат ва элат намояндалари бир ерда яшайдиган жойларда миллий районлар ва қишлоқ Советлари тузилган эди. Бу практикани районларнинг сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий тараққиёти ҳозирги даражасини эътиборга олиб, синчиклаб ўрганса арзийди, деб ўйлаймиз. Бундай қилиш миллий группаларнинг ҳуқуқий статусини, шу жумладан уларнинг давлат органларидаги вакиллигини, она тилида ўқиш, миллий маданиятни ривожлантириш ва шу каби ҳуқуқларини янада аниқроқ белгилаб қўйиш имконини берган бўлур эди.

Тажрибага мурожаат қилиш шунчаки бир мақсад эмас, албатта. Бу ўринда ғап ўтган йилларнинг миллий давлат қурилиши форма ва усулларидан механик тарзда фойдаланиш ҳақида бораётгани йўқ. Социалистик қурилишнинг турли босқичларида миллий сиёсат муаммоларини ҳал этишга ҳар бир ёндашилганлиги методологиясини ўрганиш, ўтмишнинг қимматли тажрибасидан фойдаланиб, сиёсий система тартиб-қоидаларини ривожлантириш муҳимдир, шу тартиб-қоидалар воситаси билан миллий манфаатлар аниқланиши ва мувофиқлаштирилиши лозим.

Қардош халқлар бирлигини мустаҳкамлашда социалистик демократиянинг роли ошиб бормоқда. Жамиятнинг турмуши нақадар демократикроқ бўлса, барча миллат меҳнаткашларини жипслаштирувчи куч шу қадар зўраяди. Партия ҳар бир миллатга мансуб гражданларнинг ҳокимият ва бошқарув барча бўғинлари ишидаги фаол иштирокини таъминлаш вазифасини ўртага қўйди.

Кадрлар сиёсати миллатлараро муносабатларни чинакам ленинчасига ҳал этишнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда раҳбар кадрларнинг, сайлаб қўйиладиган органларнинг состави республиканинг миллий структурасини акс эттираётганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Аммо ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқдаки, бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳаётнинг ўзи кадрлар сиёсатини миллатлараро муносабатларни чинакам демократия ва кенг ошкоралик, оммани сиёсий ижсалияти, партия билан халқнинг, мамлакатдаги барча миллат ва элат меҳнаткашларининг бирлигини амалда мустаҳкамлаш вазифасида ўтмоқда. Сиёсий тажрибани тўплаш, омма демократик маданиятини ошириш жараёни жадал давом этмоқда. Қайта қуришнинг астойдил тарафдорлари, турли миллат намояндалари СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Олий Советда масалаларни ким ҳал этиши, ҳозирги турмушимизни акс эттирадиган ва қайта қуриш жараёни кучайиб бориши учун шарт-шароит яратадиган янги қонунларни ким қабул қилиши кенг жамоатчилик доиралари учун ғоят муҳимдир.

Бу нарса лавозимларни миллий белгига қараб механик тарзда тақсимлашни асло билдирмайди, албатта. Миллий составни эътиборга олиб кадрлар танлашда ва сайлаб қўйиладиган органлар составини белгилашда сиёсий, амалий, маънавий ва интернационал фазилатларга, одамлар билан ишлай билиш маҳоратига устунлик берилмоқда. Бу соҳада ҳали жуда кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаб ўтиш лозим. Турғунлик даврида раҳбарлик лавозимларига одамларни юртдошлик, манфаатпарастлик мулоҳазалари билан кўтариб қўйишдек ярқсиз практика ҳукмрон эди. Республикада бундай фактларнинг сарқитларига кескин зарба берилмоқда. Биз кадрлар сиёсатини ҳамма шакл ва усулларига, бутун ишимизга интернационализм руҳи сингдириб юборилишига интиляпмиз.

Демократик жараёнлар ривожланиб, чуқурлашиб бораётганлиги, экономика ва сиёсий система тубдан қайта қурилаётганлиги одамларнинг граждан фаоллигини анча кучайтирмоқда. Бу нарса, жумладан, ўз фаолияти билан меҳнаткашларнинг, ўқувчи ёшларнинг манфаатлари кенг доирасини ифода-

КПСС
ҚУРИШ
(Охири. Бо
Мада
ҳамкорли
Ўртоқлар! Хал
нг иқтисодий в
раққиёти улар м
нг равнақи ҳамд
та яқинлашуви
ктда давом этмо
й бир бебаҳо
и харчанд кўпай
ш керак.
Аммо маданият
га кўра маҳаддудл
қилмайди. Бут
катда бўлгани
кистонда ҳам, б
, миллий сиёсат
топиши -тазъм
иккинчи томон
ънавий турмуш
ционаллашув
дир бўлмоқда. М
ният муттасил я
ишда халқлар ма
нинг ютуқлари
бормоқда.
Ўрта Осиё респу
Қозоғистоннинг
соҳадаги ҳамко
раёнлари куча
маклашмоқда.
ўлмаган аҳоли
маданий эҳти
киришнинг сама
ни излаб топиш
ейинги вақтлар
итда, шу жумла
имизда, респуб
ам тил сиёсати
айниқса ўткир
да. Ана шу ма
осабатда бизнин
имиз, ватанпар
рнационал ҳис
яз, яхши-ёмон
бора билиш, ў
Умуман давлатн
ланиш истиқб

Та
29/14-сайлов уч
да жойлашган.
қарши олди. У
штирди.
Назбатчиман,
в ҳозиргина ту
гаплашамиз.
Сайлов участк
илар учун зар
ди.
Фрунзе район
атетининг парт
енг тарғиб қил
сайлаш», «Сай

(Охири учинч

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҲАМДА ДЕМОКРАТИЯЛАШ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(Охири. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантирайлик

Ўртоқлар! Халқларимизнинг иқтисодий ва социал тараққиёти улар маданиятининг равнақи ҳамда бир-бирига яқинлашуви билан бир қаторда давом этмоқда. Ҳар бир миллий маданият шунинг бир бебаҳо бойлиги, уни харчанд кўпайтира бориш керак.

Аммо маданият ўз табиатига кўра маҳдудликка тоқат қилмайди. Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам, бир томондан, миллий сиёсатнинг равнақ топиши -таъминланмоқда, иккинчи томондан эса, маънавий турмушнинг интернационаллашув жараёни бўлмоқда. Миллий маданият муттасил янгиланиб, унга халқлар маданиятларининг ютуқлари билан бойиб бормоқда.

Ўрта Осиё республикалари ҳамкорлигининг маънавий соҳадаги ҳамкорлиги шу йўналишдаги муваффақиятли ривожланаётган Республикалараро Телевидение ва радиоэшиттириш комитетларининг раислари ҳар ойда ўтказиладиган «Дўстлик экрани» кўпгина телевизион программаларининг самарадорлигини яхшилаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилди. Ижодий коллективлар ўртасидаги ҳамдўстлик мусобақаларининг «СССР — умумий хонадонимиз» шиори остидаги дўстлик фестивали муваффақиятли ўтди. Халқ ҳаваскор фольклор ансамбларининг Ленинобод, Тошкент, Тошбуз ва Чимкент шаҳарларида республика Маданият министрлиги уюштирган концертлари зўр қизиқиш уйғотди. Апрель ойи Тошкентда «Қайта қуришнинг кучи — халқлар дўстлигида» шиори остида республикалар пойтахтларида биринчи дўстлик фестивали ўтказилади.

Фанлар академиялари, таълими, нашриётлар китоб савдоси ёхуд газета ва журналлар редакциялари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Маданиятлар бир-бирини бойитишининг ҳозирги праксиси анъанавий алоқаларига ўзгартишлар киритилишини тақозо этади. Унинг назаримизда адабиёт ва санъат кунларини ўтказишни ҳамда маънавий ҳаётнинг бошқа форумларини қайта кўриб чиқиш зарур. Аҳолини қўшни республикаларнинг маданияти билан яқиндан-яқинроқ таништиришда, уларнинг маънавий қадриятларини ўрганишни кўзда тутиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда рус тилини ўрганиш масалалари билан амалий равишда шуғулланиш принцип жиҳатидан муҳим бўлиб қолмоқда. Миллий мактабларни, айниқса қишлоқ мактабларини битириб чиқаётганларнинг кўпчилиги рус тилини дуруст билмаётганликлари, бу эса оқибатда уларнинг ўқишига, ишлаб чиқариш фаолиятига, ҳарбий хизматига салбий таъсир қилаётганлиги бизни жиддий ташвишлантирмоқда.

Республиканинг миллий мактабларида, айниқса қишлоқ мактабларида рус тили ўқитувчилари ниҳоятда етишмаяпти. Ҳалқ таълими органлари бу борадаги камчиликларни бартараф этишга ҳамиша ҳам тегишлича масъулият билан ёндашаётганлари йўқ.

Мана шу ва бошқа қўпол хатолар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида ўз вақтида муҳокама қилинган, «Рус тили» комплекс программаси тасдиқланган эди. Ана шу программага мувофиқ миллатлараро муомала тилини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда ва у пропаганда қилинмоқда.

Айни вақтда турли миллий тилларни баъзан бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринишлар намоён бўлаётгани бизни ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Айрим жойларда ўқувчилар ва студентларни рус тили машғулотларида қатнашмасликка даъват этувчи гиж-гижловчи овозлар эшитилиб турибди. Марказий Комитетга хатлар, шу жумладан коллектив хатлар уюштирилмоқда, ана шу хатларда рус тилининг зўравонлиги сабабли ўзбек тили ноз бўлмаса йўқ бўлиб боряпти ва шунга ўхшаш бемаъни даъволар айтилмоқда. Бундай миллатчилик кўринишларига тегишлича зарба берилиши керак. Чунки миллий маҳдудликка ҳар қандай интилиш иқтисодий ва маънавий қашшоқликка олиб боради. Бу эса халқимиз манфаатларига зиддир.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, регионимиз халқларининг энг яхши ўғил ва қизлари чоризмнинг мудҳиш замонларидаёқ рус тилига, рус маданиятига интилишган, уларни фидокорлик билан тарғиб қилишган, ватандошларини шу тил ва маданиятни чуқур ўзлаштиришга даъват этишган. Абай ва Аҳмад Дониш, Маҳтумқули ва Тўқтағул, Фурқат ва бошқа кўпгина демократ шоирларнинг, халқ маърифатчиларининг асарларида рус тилининг роли ва аҳамиятига берилган талайгина ажойиб баҳоларни учратиш мумкин.

Бу йил Совет Иттифоқи халқлари ўзбек совет адабиётининг асосчиси, революция жарчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 100 йиллигини нишонлайдилар. У, маҳаллий мусулмонларимиз қолоқлигининг энг сўнгги поғонасида қолаётганликларининг асосий сабабларидан бири Россиянинг тили, урф-одатлари ва маданиятини ўрганишга эътиборсизликдандир, деган эди.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда рус тилининг прогрессив вазифалари, аввало, шундан келиб чиқадики, бу тил мамлакатимизда рус тилида сўзлашувчи аҳолининг кўплиги шунингдек, чор империясининг собиқ мустамлакалари территориясидаги революцион ўзгартишларда, бу ерда меҳнаткаш халқ оқимиятини ўрнатишда Россия пролетариатининг, Россия зиёлиларининг тарихий роли туфайли ундаги барча халқлар ихтиёрий равишда танлаб олган миллатлараро муомала тилидир. Ахир, биз асосан рус тили ёрдамида экономика, фан ва техникадаги ютуқлардан, социалистик Ватанимиздаги, қолаверса кўп жиҳатдан чет мамлакатлардаги бошқа халқларнинг сиёсий ва маданий турмушидан баҳраманд бўлиш имкониятига эгамиз.

Ўзбек ва рус тилларини ўрганиш, ўзбек-рус икки тилигини ривожлантириш республикада яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг тилларини равнақ топтириш билан бир вақтда олиб борилмоқда. Шуни рўй-рост эътироф этиш керакки, Ўзбекистонда турғунлик йилларида бу муаммога эътибор берилмади, тожик, қозоқ, корейс мактаблари ва бошқа мактаблар турли баҳоналар билан ёпиб қўйилди.

Ҳозир шунга ўхшаш нотўғри ишлар ижчиллик билан бартараф этилмоқда. Шу ўқув йили республикадаги 259 та мактабда таълим тожик тилида, 491 та мактабда қозоқ тилида, 52 та мактабда туркман тилида, 40 та мактабда қирғиз тилида, 12 та синфда грек тилида, 7 та синфда корейс тилида олиб борилмоқда. Бир қанча олий ўқув юртларининг структурасида таълим тожик, қозоқ, қрим татар тилларида олиб борилаётган факультетлар ва бўлимлар ишлаб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислари, кенгашлари, пленумлари, Олий Совет сессиялари ўтказиладиган залларда республиканинг асосий тилларига синхрон таржима таъминланиши тўғрисидаги масала ишлаб чиқилмоқда. Профессионал таржимон кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги, олий мактабларнинг бирида махсус бўлим ташкил этиш ҳақида ўйлаб кўриш зарур. Бизнингча, бу тадбирлар миллатлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашга, миллий маданиятларни ўзаро бойитишга кўмаклашади.

Хуллас, тил муаммоларини республика туб аҳолисининг ҳам, шунингдек, кўп миллатли жами аҳолисининг ҳам манфаатлари ва фикрларини эътиборга олиб, ниҳоятда чуқур ўйлаб ва эҳтиёткорлик билан ҳал қилиш лозим. Ҳозир ижодкор зиёлиларнинг айрим қисми ўзбек тилига дарҳол давлат тили статуси берилишини таклиф этаётганлиги учун шу ҳақда гапиришга тўғри келмоқда. Уларнинг бошқа бир қисми икки тилни: ўзбек ва рус тилларини давлат тили қилиш таклифини олға сурмоқда. Умуман давлат тилини белгилаш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида кўплаб-кўп таклифлар тушмоқда. Бу масалалар ҳар томонлама идрок этилиши зарур, деб ўйлаймиз. Шуни унутмаслик керакки, ана шу масалалар шунчаки ўз доираси билан чекланиб қолмай, балки сиёсий, иқтисодий, миллатлараро масалалар билан ғоят чамбарчас боғлангандир.

Бунда жамиятшуносларнинг зиммасига катта масъулият тушади, улар тил сиёсатига доир илмий асосланган тавсияларни беришлари, турли миллат вакилларини кўпроқ яшайдиган ва тарихан тарқиб топган регионларни, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини аниқлашлари, тегишли чора-тадбирларни ўйлаб кўришлари керак.

Ўз-ўзидан равшанки, миллий маданиятларни ривожлантириш масалалари фақат тил доиралари билангина чекланиб қола олмайди. Турмуш, анъаналар, халқ ижодиёти — буларнинг ҳаммаси зўр эътибор ва ғамхўрликка муносибдир. Кейинги вақтда турли миллий группаларнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, республикада миллатлараро маданият марказларини барпо этиш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Биз республика территориясида яшовчи барча миллий группаларнинг маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Биз олий ўқув юртларида миллий ўқитувчи кадрлар тайёрлайдиган қўшимча бўлимларни очиш, республикалар ўртасида дарсликларни, бадиий адабиёт, болалар адабиёти ва бошқа адабиётнинг самарали айрибошлашни ташкил қилиш, китоблар босиб чиқаришни йўлга қўйиш, кўргазмали агитацияга ва аҳолини миллий группалар кўпроқ яшайдиган жойларда уларнинг тилларида ахборот билан таъминлашга эътибор бериш ниятидамиз.

Партия комитетлари ва ташкилотлари анъанавий маданият формаларини қайта тиклаш, миллий анъаналар, маросимлар ва оммавий байрамларнинг ижобий маънавий кучи, имкониятидан самарали фойдаланиш муаммосига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар.

Афсуски, сўнгги ўн йиллар мобайнида бир вақтлар Ўрта Осиё ва Қозоғистонда жуда машҳур бўлган «Гул сайли», «Ҳосил байрами», «Қовун сайли» каби ва бошқа байрамлар ҳамда маросимлар эсдан чиқарилди ёки деярли унутиб қўйилди. «Масхарабоз—қизиқчи», «кўғирчоқбозлар», «дорбоз» каби азалий халқ томошалари, мушоиралар, аскиябозликлар, миллий спорт ўйинлари ва ҳоказолар йўқолиб кетмоқда.

Шарқда қадим замонлардан нишонлаб келинган «Наврўз» байрамини сунъий равишда ўйлаб чиқарилган «Навбаҳор» тантаналари билан алмаштириш йўлидаги уринишлар эса республика аҳолисининг очиқ-ойдин ва ҳаққоний норозилигига сабаб бўлди. Чунки «Наврўз» жуда қадимий деҳқончилик маданиятига эга бўлган, ерга, табиатга нисбатан авайлаб муносабатда бўлиш, меҳнат ва маънавий тарбиянинг теран анъаналари мавжуд регионимиз халқлари учун том маънода янги меҳнат йилининг бошланишини билдиради. Шу нарса диққатга сазоворки, ўтмишда «Наврўз» байрами кунлари уруш-тортишувлар, ғалаёнлар ҳам кузатилмаган эди.

Ўртоқлар! Социалистик интернационалистик турмуш тарзини шакллантириш бутун партиянинг, бутун халқнинг ишидир. Ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг сиёсий тажрибаси, меҳнат ахлоқи ва маънавий потенциали, уларнинг турли халқлар билан жамиятда яхши қўшниларча яшашга астойдил содиқлиги мана шу олижаноб вазифани ҳал қилишга сафарбар этилмоқда.

Бу ишда миллий ўзлигини англаш ғояларининг тарғиботчиси бўлиб, уни шакллантиришга фаол таъсир ўтказаётган зиёлилар алоҳида роль ўйнайди. Миллатлараро муносабатларнинг умумий иқлими ғоят кўп даражада зиёлиларнинг гражданлик етуклигига, уларнинг ўз халқи ва умуман жамият туб манфаатларини чуқур англашларига боғлиқдир. Республика фан ва маданият арбобларининг ғоят катта қўпчилиги интернационализм ғоясини баланд кўтариб бормоқдалар. Интернационализм ғояларининг чинакам тарғиботчилари бўлиб, халқлар тўхтатилган, низолар унутилган, одамлар тинч ва яхши қўшничилик муносабатларига интилишган.

Хуллас, ҳар бир халқ миллий маданияти анъанавий формаларининг маънавий-эстетик, инсонпарварлик имкониятларидан маънавий-психологик муҳитни соғломлаштиришда, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришда, оммани интернационал руҳда тарбиялашда мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш зарур. Шу мақсадда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссияси ҳузурида революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини янада ривожлантириш, халқ байрамлари ва маросимларини тиклаш, СССР халқларини коммунистик руҳда тарбиялашда, уларнинг дўстлигини мустаҳкамлашда ана шу байрам ва маросимларнинг ролини ошириш масалалари билан шуғулланувчи ишчи группаси тузилди.

Атеистик ишнинг пухта ўйланган стратегияси ва тактикасини, динга, диндорларга сиёсий жиҳатдан тўғри ёндашувни ишлаб чиқишнинг муҳимлигини таъкидламоқчиман. Бу борада қандай хато ва нуқсонлар бор? Биринчидан, Конституциянинг виждон эркинлиги тўғрисидаги қоидалари, дин тўғрисидаги қонунлар фақат диндорлар ва динга ишонмайдиганлар орасидагина эмас, балки партия ва совет кадрлари орасида ҳам ҳали тузук пропаганда қилинмаяпти. Иккинчидан, вужудга келаётган муаммоларни ҳал этишда кўпинча маъмурият-чилик қилинмоқда. Ҳолбуки, яқин ўтмишда атеистик пропагандани кучайтириш ниқоби остида халқ анъаналари зўрлик билан барбод этилгани, асрлар мобайнида қабул қилиб келинган маросимлар ва урф-одатлар тақиқланган каби ҳаддан ошишлар зиёндан бошқа нарса келтирмади.

Ҳозир ана шу ҳаддан ошишлар тузатилмоқда. Диндорларнинг илтимосларига кўра, илгари ёпиб қўйилган баъзи масжидлар очилди, диний адабиётни нашр этиш масалалари ижобий ҳал қилинмоқда, руҳонийлар ва диндорлар инсонпарварлик жамоат ташкилотларида ҳамкорлик қилишга жалб этилмоқдалар.

Партия комитетлари аҳоли турли группаларининг диндорлик даражаси қандайлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари, дин масалаларига маъмурий-бюрократик ёндашувдан қатъий равишда воз кечишлари, истиқомат жойларида ишни фаоллаштиришлари, одамларнинг эҳтиёжларига, турмуш маданиятини оширишга эътиборни кучайтиришлари зарур.

Шу билан бирга коммунистлар, комсомолларнинг диний расм-русумларда бевосита қатнашганликлари учун, дунёқарашдаги иккиюзламачилиги учун уларга нисбатан талабчанликни сусайтирмаслик керак. Чунки динга нисбатан қарор топтирилаётган янгича сиёсий фикрлаш унга мафкуравий ён босишни билдирмайди.

Ўртоқлар! Социалистик, интернационалистик турмуш тарзини шакллантириш бутун партиянинг, бутун халқнинг ишидир. Ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларимиз дўстлиги ҳамда қардошлигини мустаҳкамлаш ишига садоқат билан астойдил хизмат қилмоқдалар.

Афсуски, ғоявий жиҳатдан беқарорлик қилаётган, масъулиятсиз гап-сўзлари билан миллий негизда носоғлом эҳтиросларни авж олдираётган кимсалар ҳам бор. Қизишиб кетган ана шу кимсаларнинг ҳовуридан тушадиган, ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни тўла даражада ҳис этадиган, ўз халқи олдидаги гражданлик бурчини англаб етадиган пайт келди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, зиёлиларнинг айрим намояндалари интернационализм позицияларидан чекинганлиги партия органларининг улар билан олиб борган идеология ишидаги хатоларидан далолат беради. Биз бундан тегишли хулосалар чиқариб олдик, ижодкор зиёлилар билан алоқаларни мустаҳкамлашга интиляпмиз. Партия Марказий Комитетида фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар мунтазам ўтказиб турилибди, бу учрашувларда қайта қуришнинг долзарб муаммолари ошкора вазиятда муҳокама қилинмоқда, зиёлиларнинг ишини кучайтириш борасида конкрет вазифалар қўйилмоқда.

Мана шу учрашувлар маънавий турмушда туб ўзгартишларга эришиш учун қанчалик кўп иш қилиш кераклигини кўрсатмоқда. Ижодий союзларда партиявий қатламни ошириш чоралари кўрилди. Биз ижодкор зиёлиларнинг бадиий сезгисига, социал ҳушёрлигига кўпроқ ишонишимиз, айни вақтда турмушнинг зиддиятларини ва мураккабликларини тўлиқроқ идрок этишда уларга ёрдам беришимиз керак.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, миллий ўзлигини англаш ўсиб, маданият ва тарих муаммоларига қизиқиш кучайиб бораётган шароитда ғоявий-тарбиявий фаолиятга тузатишлар киритиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қиладиган барча ижобий жиҳатларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаб ва ривожлантириб, миллий эҳтиросларни авж олдиришга, миллий маҳдудликка олиб борадиган нарсаларга қарши изчил курашиш зарур.

Партия ва комсомол ташкилотлари бу соҳада кўп иш қилишлари мумкин ва лозим. Улар одамларни, аввало ёш авлодни партия ва халқнинг шонли анъаналари руҳида, совет ватанпарварлигининг олижаноб туйғуси, ватанпарварлик бурчини бажариш — ҳозир жўшқин ижодий меҳнат қилиш, қайта қуришнинг барча соҳаларида куч-ғайратларимизни оширишдан иборатлигини равшан англаб етиш руҳида тарбиялашлари керак.

Омманинг интернационал онгини шакллантириш мафкуравий таъсирнинг барча мавжуд воситаларидан — сиёсий ва иқтисодий таълимдан, матбуот, радио, телевидениедан, лекция пропагандаси ва бошқа формалардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Турли ташкилотларнинг интернационал тарбия соҳасидаги ишини ягона комплекс программа асосида мувофиқлаштириш, унинг формалари, методларини хилма-хил қилиш, такрорлашни бартараф этиш имконини беради.

Партия ташкилотларининг интернационал тарбия форма ва методлари самарадорлигини ошириш соҳасида олиб бораётган ишлари тўғрисида гапирганда шуни унутмаслик керакки, бу ишлар ишончли ахборот, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда тўғри қарорлар қабул қилиш имконини берадиган бошқа омиллар асосида олиб борилиши лозим.

Партия миллий сиёсатининг назарий асосини бойитмай туриб миллатлараро муносабатларни такомиллаштириб бўлмайди. Тадқиқотчи группаларнинг ишини аниқ мақсад йўлида мувофиқлаштириш, партия органлари олимларнинг жамият маънавий потенциалини бойитиш ишидаги амалий тавсияларини рўёбга чиқаришлари зарур. Миллатлараро муносабатларни ва интернационал тарбияни бошқариш практикасига бевосита дахлдор бўлган муаммолар комплексини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор бериш керак.

Тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда

Ўртоқлар! Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш жараёни фақат ички сиёсий характергагина эга эмаслиги ўзларингизга яхши маълум. Бу жараён совет ташқи сиёсати билан бевосита боғланган. Ҳозир биз мана шу ғоят муҳим соҳада ҳам социалистик федерация тўғрисидаги ленинча принципларнинг таъсирчанлигини қайта тиклаяпмиз. Иттифоқдош республикалар, жумладан, Ўзбекистон ҳам халқаро мулоқотга, халқаро меҳнат тақсимотига тобора активроқ қўшилмоқда. Бундай фаолиятдан мақсад КПССнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган йўлини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшишдан, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик орқали республиканинг, бинобарин эса, бутун мамлакатнинг ҳам социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдан иборатдир.

Бундай ёндашув ягона Совет давлатининг ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳар бир иттифоқдош республиканинг имкониятлари ва талаб-эҳтиёжлари билан қўшиб олиб боришнинг уйғун формаларини топиш имконини беради. Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар ва Қозоғистон каби Ўзбекистон мисолида ҳам шуни кўриш мумкинки, чет мамлакатлар билан тарқиб топаётган бевосита алоқалар, икки томонлама муносабатлар жамиятга, совет кишилари бахт-саодатига тобора кўпроқ самара билан хизмат қила бошлади.

Яқинда Афғонистондаги совет қўшинлари чекланган қисмларини олиб чиқиб кетиш ниҳоясига етди. Ватанимиз солдатлари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини ҳалол ва мардона адо этиб, она юртга қайтиб келдилар. Бизнинг республикамиз кўпмиллатли бутун мамлакат билан бирга жанубий қўшни — афғон халқига осойишталик ва тотувлик йўлини танлаб олишда ёрдам бериш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилди ва қилмоқда. Чунки фақат шу йўлгина қон тўкилишига чек қўяди ва қадимий Афғонистон диёрида осойишталик ўрнатилишига кўмаклашади.

Афғон халқи ўзининг бундан буёнги тақдирини белгилаб олиши лозим. Аммо у қандай йўлни танлаб олмасин, халқларимизнинг яқинлиги географик жиҳатдангина эмас, балки тарихий жиҳатдан ҳам реалликдир. Биз барча республикалар билан бирга жанубий қўшнимизга бундан буён ҳам зарур ёрдам бераверамиз.

Бизнинг буюк Ҳиндистон билан ҳамкорлигимиз фаол ривожланиб бормоқда. Савдо-иқтисодий алоқалар кенгаймоқда, қўшма корхоналар барпо этиш тўғрисидаги масала ишлаб чиқилмоқда. Тошкент билан Деҳли ўртасида бевосита авиалиния очилди. Ҳиндистон компаниялари Тошкент, Самарқанд ва Бухорода замонавий меҳмонхона комплексларини қурмоқдалар. Республика пойтахтида Ҳиндистон маданият-ахборот марказининг филиали очилади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социалистик мамлакатлар билан алоқалар биз учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу алоқалар бевосита тўғридан-тўғри ҳамкорликнинг ҳам анъанавий, ҳам янги формаларида тобора ривожланмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг Македония Социалистик Республикаси (ЮСФР) билан алоқалари ибратлидир. Ана шу алоқалар бу йил партия ва давлат йўллари билан икки томонлама алоқалар, экономика, савдо, фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик программалари ҳолида пишиқ-пухта ҳуқуқий асосга эга бўлиб қолди.

ХҲРнинг Синьцзянь — Уйғур автоном райони билан бевосита алоқалар жонланмоқда, чегарабўйи савдоси ривожланмоқда. Қўшма корхона барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг Малайзия, Бразилиянинг Сеара штати, Ғарбий Германиянинг Қуйи Саксония ўлкаси, Европа, Осиё, Африка ва Марказий Америкадаги бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигининг жуда умидбахш нишоналари намоён бўлиб қолди. Биродарлашган шаҳарлар йўли билан Тошкент — Сиэтл (АҚШ), Тошкент — Скопье (Югославия), Бухоро — Кордова (Испания) актив алоқалари ўрнатилди. Бундай шароитда республика идоралари ва ташкилотларининг ташқи иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамда бошқа халқаро алоқаларининг координаторлари сифатида республика Министрлар Совети Президиуми ташқи иқтисодий алоқалар комиссиясининг, Ташқи ишлар министрлигининг, «Ўзбекинторг» бирлашмасининг, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг роли ортиб бормоқда.

Тошкентда чет мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг сони кўпайиб бораётганлиги, республикада ажнабий фирмаларнинг ваколатхоналарини очиш тўғрисидаги илтимослар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга қизиқишни ифода этади. Италия фирмаси билан муштарак бўлган «Совпластитал» корхонаси, Совет — Болгария «Вариант» корхонаси муваффақиятли ишлаб турибди. Кооперация соҳасида хизматлар ҳажми тобора кенгаймоқда.

Кўриб турибмизки, Ўзбекистон ССРнинг чет эллар билан алоқалари янги сифат касб этиб бормоқда, бинобарин, у ички сиёсат масалалари каби Иттифоқ ва республика органлари ҳуқуқ доираларининг ўзаро боғлиқлигини эътиборга олиб қайтадан идрок этилиши зарур. КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир Пленумига тайёргарлик кўриш чоғида биз халқаро фаолиятнинг ана шу муҳим соҳасини ҳам назарда тутишимиз, қайта қуриш, демократиялаш, иқтисодий исдоҳот, янгича сиёсий фикрлаш жараёнлари кенг жаҳон майдонига, ҳамжиҳатлик ва тараққиётнинг, тинчлик ва дўстликнинг катта йўлига чиқиб олиши учун янги шарт-шароитларни вужудга келтиришимиз зарур.

Ўртоқлар! Докладда бизнинг регионимизда ҳозирги босқичда миллий муносабатларни такомиллаштиришнинг баъзи масалаларигина ёритилди.

Биз конференциянинг характерини эътиборга олиб, унинг ҳар бир қатнашчиси республикаларимиз ўртасидаги бевосита иқтисодий ва маънавий алоқаларинг докладда ёритилган хилма-хил формалари миллатлараро муносабатларнинг юксак маданиятини тарбиялашга, одамларнинг интернационал онгини мустаҳкамлашга кўмаклашишни яхши тушунади, деб ўйлаймиз. Айни бир вақтда РСФСР, Украина, Белоруссия, Закавказье ва Болтиқбўйи республикалари, Молдавия халқлари билан мулоқотлар ривожланмоқда, маънавий қадриятлар баҳам кўрилмоқда. Мамлакат турли регионларидаги ўлкалар, областлар, шаҳарлар, районлар билан алоқалар ўрнатилган. Мана шуларнинг ҳаммаси турмушимизни яна ҳам сермазмун ва жўшқин қилиб, қайта қуриш вужудга келтираётган янги, илғор нарсалардан баҳраманд бўлиш имконини бермоқда.

Бизнинг ҳозирги кунимиз ва келажагимиз барча халқларни равнақ топтириш, жипслаштириш ва бирлаштиришда эканлигини тарих кўрсатди. Мамлакатдаги барча халқлар эркин ривожланиши ва гуллаб-яшнашининг асоси бўлмиш совет жамиятини жипслаштиришга, Ватанимизнинг қудратини кучайтиришга хизмат қиладиган нарсаларнинг ҳаммасини авайлаб сақлаш ва қўпайтириш — бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир.

Эътиборингиз учун раҳмат.

---

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

Тайёргарлик қизғин

29/14-сайлов участкаси тўқимачилар маданият саройида жойлашган. Бизни ўрта бўйли, тўладан келган кимса қаршин олди. У ўзини Туроб Жўраевич Жўраев деб таништирди.

— Навбатчиман, рансимиз Юрий Александрович Протасов ҳозиргина тушликка кетдилар. Юринг, хонага киритаплашамиз.

Сайлов участкаси хонасини кўздан кечирдик. Сайловчилар учун зарур бўлган ҳужжатлар диққатимизни тортди.

Фрунзе район партия комитети КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатномасини кенг тарғиб қилиш борасида «СССР халқ депутатларини сайлаш», «Сайлов ва агитация» каби брошюраларни махсус нашрдан чиқарибди. Бу йилги янги сайлов системасидаги ўзгаришлар ҳақида сайловчиларга кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. 60 нафар пропагандист бу борада ибрат кўрсатяпти.

— Келгуси ҳафта давомида ташкилотчиларимиз ўртасида семинар машғулотлари бошланади. Уруш ва меҳнат ветеранлари билан ёш сайловчиларнинг учрашуви ўтказилади.

Умуман, СССР халқ депутатлари сайлови кунини муваффақиятли ўтказишга тайёргарлик кўришда Ёқубжон Комилов, Ширин Расулова, Олим Яҳёев, Наталья Шарапина, Виктор Ратушнийлар муносиб хизмат қилмоқдалар.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ТошДУ студенти.



Тошкентдаги «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида цехлараро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Корхонанинг пишитиш цехи меҳнат рақобатида пешқадамликка эришаётган коллективлардан.

Эшувчи-калавачи Насиба Жонабилованн бу цехда илғорлар қаторида типга олишади. Ёш ишчининг цехда ишлаётганига эндигина беш йил бўлишига қарамай, у катта тажриба ва маҳорат эгаси бўлиб етишди.

СУРАТДА: Н. Жонабилова.

Т. Каримов фотолари.



Дўст билан обод уйинг

ЖАҲОННИНГ ШОДЛИГИ ЙИҒИЛСА БУТУН, ДЎСТЛАР ДИЙДОРИДАН БЎЛОЛМАС УСТУН.

Дўстлик йўлларида

Қўлни қўлга бериб...

Чимкент область Сайрам районидаги В. И. Ленин номли колхоздаги аҳолининг 99 фоизи — ўзбеклар. Колхоз асосан чорвачилик билан шуғулланади. Чорвачиликнинг узоқ йиллардан бери иссиқ-совуғини тотиб, колхоз экономикасини юқори кўтарган аввалги раис Ниёзали Йўлдошев ҳам, енг шимариб у бошлаган ишни давом эттираётган ёш раис Абдулфаттоҳ Абдуллазимов ҳам фахр билан «Биз миллионерларимиз» деганида талай маъно яширин.

Чиндан ҳам колхозчиларнинг туриш-турмушини, яшаш маданиятини кўриб иккала раис ҳам бекорга фахрланмаганини сезиш қийин эмас.

Юқорида колхознинг 99 фоиз колхозчиси ўзбеклар, дедик. Айни пайтда улар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган қозоқ, рус, озарбайжон, турк, татар, форсларни ҳам тилга олиб ўтиш керак. Уларнинг ҳаммаси бир-бири билан қуда-қудағай, оғаини, опа-сингил бўлиб кетган. Ана шунинг учун ҳам колхоз экономикаси йилдан-йилга юксалиб бормоқда.

Сайрам тупроғи... Тарихнинг не-не яхши-ёмон кунларини ўз бошидан кечирди у. Олисдан кўзга ташланадиган мақбаралар боболар руҳини, уларнинг курашларини ўз бағрида сақлаб келаётгандек. Ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлиги ҳам шу тупроқ бағрида камол топган.

1958 йили майда хўжаликларни йириклаштириш ишлари бошланди. «Пахтакор», «Қизил Октябрь» ва Ленин номли колхозлар бир чорвачилик хўжалигига бирлаштирилди. Йилдан-йилга колхоз ўз қаддини ростлайверди. Бугунга келиб уни республикада илғор хўжаликлардан бири сифатида тилга олишади.

Ленин номли колхознинг аҳолиси 27 минг 700 кишидан ошиқроқ. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак 4 минг 310 оила бу ерда истиқомат қилади. Йил сайин 12 миллион сўмлик даромад олишади. Шундан 4 миллион сўми соф фойда. Энди тушунгандирсиз «миллионермиз» деган сўзнинг асл маъносини. Колхозчиларнинг ўртача ойлик маоши 198 сўмни ташкил этяпти. Кейинги уч йил ичида колхозда 150 ўринли шифохона, юз ўринли турар жой бинолари, янги мактаб, колхозчилар ой сайин дам олиб, саломатликларини тиклашлари учун 54 ўринли профилакторий фойдаланишга топширилди. Ҳар бир хонадонга телефон, радио ўтказилди.

Колхознинг саккиз бригадасидан қайси бирига борсангиз асфальтланган, кафтдек текис кўчалар, савлат тўкиб турган оппоқ иморатлар кўзингизни қувнатади. Буларнинг барини ўзбек қардошларимиз ўз меҳнатлари билан, ўз қўллари билан бунёд этишган. Ўзбек халқининг қон-қонига сингиб, йиллар бўйи яшаб келаётган урф-одатлари бор. Уларнинг бари шу ер тарихи билан, халқ тарихи билан чамбарчас боғланган. Буларнинг бари ўзбек қишлоғида ўтаётган ҳар бир маросимда ўз аксини топмоқда. Йил сайин колхоз маданият саройи бағрида зўр кўтаринкилик билан ўтаётган тантаналар фикримизнинг гувоҳидир. Оталар анъанасини ўзига дастурламал қилиб келаётган колхоз ёшларининг уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлари ҳар сафар ҳаяжон билан ўтади.

Улуғ Ватан урушида мардлик намуналарини кўрсатган 235 ветеран, Афғонистонда ўз бурчини бажарган 33 азаматнинг ҳикоялари ўсиб келаётган авлодни бефарқ қолдирмайди.

Колхоз шуҳратини таратишда меҳнат қаҳрамонлари ҳақида ҳар қанча сўзласак ҳам кам. СССР Давлат мукофотининг лауреати бош чўпон Жуман Аёзбоев, Қозоғистон ССР Давлат мукофоти лауреати Йўлдош Тўйчиев, Сулаймон Йўлдошев, Ўрдабек Жамолов сингари ўз касбининг усталари ёшларга мураббий.

Меҳнат эстафетасининг юлдузлари— соғувчилар Хатира Сотиболдиева, Хонбиби Холмуродова, Лазокат Абдуқаюмова, Шоҳида Пўлатовалар йил сайин ҳар бир сигирдан 3500—4000 литрдан сут соғиб олмоқдалар.

Колхознинг тажрибали коммунистлари Мираҳмад Мирҳайдаров, Абдуҳолиқ Боботоев, Шермат Шодиметовлар, Мираҳмад Айтматов, Шоюсуф Шойберганов сингари ёш коммунистлар ҳар бир ишда бош-қош бўлишяпти.

Ленин номли колхозда меҳнатдан бахт топганлар яшайди.

Н. КЕНЖАҚУЛОВ,
Чимкент области.

Жубан МЎЛДАҒАЛИЕВ, қозоқ шоири.

Ў Р Т О Қ

Бир сўз борки, эшитганда қувнар юрак,
Соғинтирар, ўз элимдан кетсам йироқ.
Шу кунларда ўша сўзнинг қадри
Ўтмоқдадир, вужудимга солиб қийноқ.

Хизматдаман ўзга элат томонида,
Ўз юртимга ташна бўлган замонимда —
Суҳбатларда бутун вужуд бўлар қулоқ
«Ўртоқ» деган битта сўзнинг армонида.

Йўлда қолмас, кимнинг бўлса гар йўлдоши,
Йўлдошликдан бошланмаса дўстлик боши,
Бўлмаса гар дўст-ўртоқлик, биз бўлиб қул,
Дарё-дарё оқмасмиди кўзлар ёши.

Шу сўз борки, бизга ётдир низо, нифоқ,
Министр дер колхозчига: «Сўзланг, ўртоқ...»
Ҳа, ўртоқмиз ўйи битта, куйи битта,
Бир ёқадан бош чиқарган элмиз иноқ.

Дўстлик борки, кулиб боқар давру даврон,
«Ўртоқ» сўзи бизга виждон, бизга имон.
«Ўртоқ» деган битта эзгу сўз олдидан
Ўтаверсин ўнта «мистер», «мирза», «султон».

«Тинчлик асари»

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Жаҳон Тинчлик Кенгашн қарори билан Олмаотада ўтказилган қуролсизланиш учун кураш ҳафталиги «Тинчлик асари» миллатлараро меҳнат вахтаси билан нишонланди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан Олмаота ип-газлама комбинатига ташрнф буюрган моҳир тўқувчилар «Меҳнатимиз тинчлик ва қуролсизланишга хизмат қилсин» шиори остида зарбдорларча меҳнат қилдилар.

Қардош республикалар вакилларининг вахтаси эрталаб соат еттида бошланиб, кундузги соат учгача давом этди. Уларнинг ҳар бири тўрт тўқув дастгоҳига хизмат кўрсатди. Шундан сўнг меҳнат эстафетасини норҳона эгалари қабул қилдилар.

Сменалар ўртасида митинг ўтказилиб, унда тўқилган «Тинчлик асарлари» тўқувчиларининг дастхати билан Улуғ Ватан уруши инвалидлари республика госпиталига ва Олмаота болалар уйларига топширилди.



● СУРАТДА: Олмаота тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг интернационал бригадаси аъзолари.

Амалдаги интернационализм

Бизнинг кўча



Бизнинг кўчамизда оғир уруш йиллари бошпанасидан айрилган, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган оилалар истиқомат қиларди.

Собировлар оиласи кўчамиздаги энг серфарзанд оила ҳисобланарди. Бизнинг оиламиз бу борада иккинчи ўринда, Поля холанинг оиласи учинчи ўринда турарди.

Биз айниқса Аҳмедовлар оиласига кўп эътибор берардик. Қўлида уч норасида фарзанди ва икки кампир — онаси ва қайнанаси қолган озғин, касалманд Гуля холага ачинардик. Унинг эри — Ҳошим амаки 1943 йилда фронтдан яралар бўлиб қайтдию, орадан уч йил ўтмай вафот этди.

Гуля хола ҳар байрам бизни бўғирсоқлар билан сийларди. Бунга у ўша очарчилик йиллари қандай қилиб эришганини ҳали ҳамон тушунмайман. Унинг музикачиларга хос узун ва ингичка бармоқлари, билан-узуклари хотирамда муҳрланиб қолган.

Ёши ўтиб қолган дунган киши кўчамизда айниқса катта обрўга эга эди. У полизларга сув таҳсимларди. Катталар ҳам, кичиклар ҳам уни Мироб оға деб аташарди. Ана шу мўйсафид кечалари билан уйқу билмай сувни қўриқлар, уни адолат билан тақсимларди. Биринчи бўлиб сув кўпболали оилаларга берилларди.

Мен ўсган оила интернационал оила эди. Катта акам бутун уруш Белоруссия ўрмонларида жанг қилди. У партизанлар отрядининг комиссари эди. 1946 йилда у уйга хотини — белорус қизи, отряднинг собиқ алоқачиси билан қайтди.

Катта опам латишга турмушга чиққан, ўртанча акам бурятга уйланган. Ўртанча опам эса арман йигити билан бахтини топди. Синглим эса украиналик йигитга турмушга чиқди.

Хонадонимизда украинлар, белоруслар, руслар, арманлар, латишлар, бурятлар яшарди. Утган кунларни эслар эканман, бизнинг оиламизда бир томчи сувдагидек бутун мамлакатимизнинг, бутун кўпмиллатли совет халқининг ҳаёти акс этганига ишонч ҳосил қиламан. Дўстлик, жипслик, интернационализм, манфаатларнинг бирлиги — оғир уруш ва урушдан кейинги йилларда бизни қўллаб-қувватлаган нарсалар ана шулар бўлди.

Л. МОРСКАЯ,
«Поршень» заводининг бош бухгалтери.



Ўрнак олса арзийди



Ихтисослашган 52-қурилиш-монтаж бошқармаси Олмаота шаҳрининг «Самал—2» микрорайонида кенг кўламда бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Қайта қуриш коллективингиз ҳаётида қандай ўзгаришлар ясади! Ана шу жараёнга сиз ўзингиз қандай ҳисса қўшдингиз! Мухбиримиз ана шу саволлар билан мазкур бошқарма участка бошлиғи Ярослав Филиппович Селюк ва комплекс бригадаси бошлиғи Геннадий Павлович Павловга мурожаат этди.

Я. Ф. СЕЛЮК: Энг аввало, бошқарма коллективи прогрессив монолит уйсозлик технологиясини ўзлаштирди. Бу иш янги, мураккаб бўлганлиги учун қурувчилардан юксак касб тайёргарлигини, яхши жиҳозланган моддий-техника базасини талаб қилди. Аммо қурувчиларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифани муваффақиятли уддаладилар. Янгича ишланган дастлабки йилиёқ 9 миллион сўмдан зиёд капитал маблағлар ўзлаштирилди, 500 минг сўмдан зиёд соф даромад олинди. Бундай кўрсаткичларни илгари орзу қилардик холос. Қурувчилар ўз имкониятларига ишонч ҳосил қилишди, уларнинг ўз вазифаларига муносабати ўзгарди, масъулият ошиб, интизом мустаҳкамланди. Коллективчилик туйғуси ёрқинроқ намоён бўла бошлади. «Самал—2» микрорайонида бунёд этилган ўнлаб осмонўпар бинолар бунинг ёрқин самарасидир. Қайта қуриш, қурувчиларимиз онгида рўй бераётган ўзгаришлар уй-жой қурилишидаги аҳволни кескин яхшилаш имконини берди.

Г. П. ПАВЛОВ: Пировард натижадан манфаатдор, юксак сафарбарлик имконига эга бўлган комплекс бригадалар ташкил этилишини уй-жой қурилишини жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан бири деб ҳисоблайман. Бу демак, коллектив объектни тўла ўз пудратига олиб, уни фойдаланишга топширишгача бўлган барча ишларни бажариши лозим. Ҳозир эса бинони монтаж қилиш, сайқал бериш, ободонлаштириш ишларини бошқа-бошқа коллективлар олиб боришади. Мабодо бизнинг режаларимиз амалга ошса, бунёдкорлик ишларини поток усулида йўлга қўйиш имкони вужудга келади.

Қурилиш ва меҳнатни ташкил этишнинг янада мукаммал кўринишларини излаш, жорий этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Биз «Ташгорстройнинг 11-«Висотстрой» трести А. Князев бошлиқ бригадаси ҳузурида тез-тез меҳмон бўлиб турабиз. Биз мазкур коллектив билан ўзаро социалистик мусобақа тўғрисида шартнома имзолаганмиз. Очиғини айтаман, тошкентлик ҳамкасбларимиздан ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз, уларнинг тажрибасини ўзимизда қўллашимиз мумкин. Улар ўз тажрибаларини биз билан бажонидил баҳам кўришади. Дўст деганн шундай бўлади-да.

СУРАТДА: Олмаота уйсозлик комбинати 2-қурилиш конвейерларн бошқармасининг интернационал бригадаси аъзолари (чапдан ўнгга) Н. Рушинский, А. Раимхонов, В. Гурьев ва А. Семёнов.

Олмаота метросининг бўлажак станциялари

Аҳолиси 1 миллион 100 мингдан ошган Олмаотада метро қурилиши жадал суръатлар билан бошлаб юборилди. Ер ости магистрали ва станцияларини бунёд этишда Москва, Ленинград, Тошкент метросозлари тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда.

СУРАТЛАРДА: метро биринчи линиясининг «Дўстлик», «Бойқўнғир», «Олмали» станциялари макети.

М. Малиновский фотолари.

Р — 01072. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. — 2017. Индекс 64690.